



Таъзим ва исроф нияти мавжуд бўлмаган ва юкорида санаб ўтилган шубхаларга мазхар бўлмаган хайкал турлари хакида Ислом дини ортикча чеклашликлан узок туриб, уларга рухсат берган. Масалан: Ёш болалар учун ўйинчок сифатида ясалган чакалок, мушук, арслон ва шунга ўхшаш хайвонларнинг нусхалари.

Мўминларининг онаси хазрати Ойиша разияллоҳу анҳо дейдики: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васалламнинг хузурларида ёш кизчаларни ўйнатар эдим. Баъзан менга кичкина чакалокларни олиб келар эдилар. Аммо улар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васаллам келганирида кўркиб яшириниб олар эдилар. Менинг болалар билан ўйнашим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васалламни хурсанд киларди".

Бошка бир ривоятга кўра пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи васаллам хазрати Ойиша разияллоҳу анҳо онамиздан (ўйинчок)га ишора кииб сўрадилар:

- Бу нима?
- Кизларим.
- Ўртадаглари-чи? -От.
- Уларнинг устидаги нима?
- Канотлар.
- Канотли отми?
- Эшитмаганмисиз, Сулаймон ибн Довуднинг канотли отлари бор эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи васаллам буни эшитиб кулиб юбордилар (Абу Довуд).

Хадисда баҳс этилган кизлар ёш болалар ўйнайдиган кўгиҷочклар эди. Зеро, хазрати Ойиша пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи васаллам билан энди турмуш килган бўлиб хали ёш кизча эдилар.

Шавканий бу хадис хусусида шундай дейди: "Бунда болаларнинг кўгиҷочклар билан ўйнашлари жоиз эканлигига далил бор".

Имом Моликнинг фикрича кишининг фарзанди учун бундай ўйинчоклар олиши макрух хисобланади.

Кози Йёз бу хусусда: "Ёш болаларнинг кўгиҷочклар билан ўйнашига рухсат бор", - дейди. Халво ва бошка ширинликлардан килиниб байрам кунлари сотиладиган ва ейиладиган хайкалча ва шакилларга хам рухсат бор, уларнинг хукми болаларнинг кўгиҷочклари хукми сингаридир.

Юсуф Каразовийнинг "Исломда халол ва харом" китоби асосида

Абу Муслим тайёрлади